

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. Хизмат таърифи (паспорти)

1.1. Хизмат номи

Ўлчаи воситаларини (ЎВ) давлат қиёсловидан ўтказиши

1.2. Хизмат натижаси

Қиёслаш натижаси ижобий бўлганда, қиёслаш ҳақида сертификат расмийлаштирилади ва ариза берувчига топширилади, шунингдек асбобга (ЎВ) тамга босилади. Қиёслаш натижаси салбий бўлганда, сертификат беришни рад этиши учун сабаб бўлган, аниқ қиёслаш натижаларини кўрсатган ҳолда хабарнома ва қиёслаш баённомаси берилади.

1.3. Хизмат кўрсатадиган органлар ва бланкларни олиш жойлари

- “Метрология хизматлари кўрсатиши маркази” Давлат корхонаси (“МХКМ” ДК);
- Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази.
- “Республика синов ва сертификатлаштириши маркази” Давлат корхонасининг ҳудудий синов ва сертификатлаштириши марказлари.

Талабнома бевосита талабнома қабул қилиш бўлимида расмийлаштирилади:
- “Метрология хизматлари кўрсатиши маркази” Давлат корхонаси (“МХКМ” ДК) Тошкент ш., 100049, Фаробий кўч. 333 “А” манзил бўйича;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази Тошкент ш., 100049, Фаробий кўч. 333 “А” манзил бўйича.
- “Республика синов ва сертификатлаштириши маркази” Давлат корхонасининг ҳудудий синов ва сертификатлаштириши марказлари қуйидаги манзиллар бўйича:
Андижон ССМ ДК, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 251
Бекобод ССМ ДК, Бекобод шаҳри, Анохин кўчаси, 116
Бухоро ССМ ДК, Бухоро шаҳри, С.Юрениев кўчаси, 1/2
Жиззах ССМ ДК, Жиззах шаҳри, М.Хусаинов кўчаси, 20а
Қашқадарё ССМ ДК, Қариши шаҳри, С.Усманов кўчаси, 6
Қорақалпоқ ССМ ДК, Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 57
Кўқон ССМ ДК, Кўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 11
Навоий ССМ ДК, Навоий шаҳри, Умид пос., М.Таробий, 185
Наманган ССМ ДК, Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 9
Олмалиқ ССМ ДК, Олмалиқ шаҳри, Тинчлик кўчаси, 2
Самарқанд ССМ ДК, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 147а
Сирдарё ССМ ДК, Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 21
Сурхондарё ССМ ДК, Термез шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 41
Фарғона ССМ ДК, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 119
Хоразм ССМ ДК, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 107а
Чирчиқ ССМ ДК, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 5а

1.4. Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари: “Метрология тўғрисида”, “Стандартлаштириши тўғрисида”, “Ахборотлаштириши тўғрисида”, “Энергиядан оқилона фойдаланиши тўғрисида”;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.03.2002й. 342-сонли “Стандартлаштириши, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириши тизимини такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2005й. 373-сонли “Ўзбекистон давлат стандартлаштириши, метрология ва сертификатлаштириши агентлиги тузилмасини такомиллаштириши ва

1.5. Хизмат олувчилар

- Республикада қўлланишга рухсат этилган, электр, газ ва сув таъминотини ҳисобга оладиган, фойдаланилаётган ўлчиш воситалари номига расмийлаштирилган жисмоний шахслар;
- Қиёслаш бўйича метрологик хизматлар кўрсатадиган ташиқлотлар базасида бўлган турдаги ўлчиш воситаларидан фойдаланаётган юридик шахслар (корхоналар, ташиқлотлар, муассасалар ва бошқалар).

1.6. Расмий талаб берилиш муддати

Қиёслаш учун талабнома фойдаланишида бўлган ўлчиш воситалари учун қиёслаш ҳақидаги сертификатда кўрсатилган навбатдаги қиёслаш муддати тугашидан олдин, ёки янги ўрнатилаётган ўлчиш воситалари учун - ўрнатишидан олдин берилиши керак. қиёслаш муддати ЎВга хизмат кўрсатувчи ташиқлотнинг мухтор вакиллари томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган далолатнома (баённома)га асосан бузилиши (ёки бошқа ҳодисалар) тасдиқланган ҳолда навбатдаги қиёслаш санасидан олдин келиши мумкин.

ЎВ навбатдаги қиёслаш санасига риоя қилинмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексининг 213-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

1.7. Бажарилиш муддати

Ўзбекистон Республикасининг давлат муассасалари томонидан аризаларни кўриб чиқиши муддатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан максимал 15 кун (хизмат кўрсатиши шартномасида белгиланган сумма тўланган кундан бошлаб).

1.8. Тасдиқловчи ҳужжат бериш муддати

Хизмат кўрсатишига шартнома тузиши ЎВ қиёслашга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Шартнома ариза берувчининг олдида 10-15 дақиқа давомида расмийлаштирилади.

2. Хизмат олувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Мурожаат қилган ҳар қандай шахсга қуйидаги ахборот тақдим этилиши кафолатланади:

- хизмат кўрсатадиган органнинг жойлашган жойи, унинг иш тартиби, ташириф буюрувчиларни қабул қилиши тартиботлари (мурожаат қилинган кун қабул қилиниши, жойидаги навбат билан ва ҳ.к.) ҳақида;
- хизмат олиши учун зарур ҳужжатлар рўйхати ҳақида;
- талабнома тўлдириши учун зарур маълумотлар олиши тартиб ва усуллари ҳақида, шунингдек тўлов тартиби ҳақида;
- хизмат олиши тартиботлари ҳақида;
- хизмат кўрсатиши муддатлари ҳақида.

2.2. Кенг ахборот бериш

ЎВ қиёслаш бўйича метрологик хизмат кўрсатилиши ҳақида ахборот “Метрология хизматлари кўрсатиши маркази” Давлат корхонаси веб-сайтида (www.txkm.uz) ва Республика синов ва сертификатлаштириши маркази веб-сайтида (www.rssm.uz) жойлаштирилган.

2.3. Расмий талаб бўйича ахборот бериш

- “Шахсан”, ташиқлот жойлашган жойи бўйича: 9-00 дан 18-00 гача хизмат олиши ҳақида исталган саволлар бўйича оғзаки маслаҳат бериш (10 дақиқадан кўп эмас) ва матн, реквизитлар, хизматга ҳақ тўлаш, зарур ҳужжатлар таркиби кўринишида ёзма ахборот тақдим этиши;
- телефонлар орқали: “Ўзстандарт” агентлиги “МХКМ” ДК (+998-71) 150-26-03, (+998-71) 150-26-11: 9-00 дан 18-00 гача катта миқдордаги ахборотнинг аниқ, масалан, хизматга ҳақ тўлаш реквизитларининг

узатилишини талаб этмайдиган, хизмат олиши ҳақида исталган саволлар бўйича оғзаки маслаҳат бериши (5 дақиқадан кўп эмас);

- “МХКМ” ДК факси орқали (+998-71) 150-26-03, (+998-71) 150-26-11: сутка давомида исталган ёзма расмий талаблар қабул қилинади, 9-00 дан 18-00 гача ёзма расмий талаб бўйича ёзма ҳужжатлар узатиши (3 варақдан кўп эмас).

- электрон манзил бўйича: “МХКМ” ДК metrolog@mxkm.uz; info@mxkm.uz: сутка давомида умумтарқалган матн форматларидаги (оддий матн, DOK, RTF, PDF бириктирилган файл) ёки келишувга кўра бошиқа исталган ёзма расмий талаблар қабул қилинади. 9-00 дан 18-00 гача ёзма ҳужжатларнинг (оддий матн ёки DOK, RTF, PDF бириктирилган файл форматада) узатилиши. Жўнатишга тайёр зарур бланк, схема, келиш файллари мавжуд.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойида ахборот бериш

- Тошкент ш., 100049, Фаробий кўч. 333 “А”. “Беруний” метро бекати, 9-қаватли “Ўзстандарт” биноси, “Метрология хизматлари кўрсатиш маркази” ДК ва Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази биноси

- “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонасининг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари қўйидаги манзиллар бўйича:

Андижон ССМ ДК, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 251

Бекобод ССМ ДК, Бекобод шаҳри, Анохин кўчаси, 116

Бухоро ССМ ДК, Бухоро шаҳри, С.Юрениев кўчаси, 1/2

Жиззах ССМ ДК, Жиззах шаҳри, М.Хусаинов кўчаси, 20а

Қашқадарё ССМ ДК, Қариши шаҳри, С.Усманов кўчаси, 6

Қорақалпоқ ССМ ДК, Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 57

Кўқон ССМ ДК, Кўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 11

Навоий ССМ ДК, Навоий шаҳри, Умид пос., М.Таробий, 185

Наманган ССМ ДК, Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 9

Олмалиқ ССМ ДК, Олмалиқ шаҳри, Тинчлик кўчаси, 2

Самарқанд ССМ ДК, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 147а

Сирдарё ССМ ДК, Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 21

Сурхондарё ССМ ДК, Термез шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 41

Фарғона ССМ ДК, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 119

Хоразм ССМ ДК, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 107а

Чирчиқ ССМ ДК, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 5а

2.5. Ишлатиладиган ҳужжатларнинг бланклари (шакллари)

- Тақдим этилган паспорт асосида (жисмоний шахслар учун) тўлдирилган, ихтиёрий шаклдаги талабнома;

- Хизмат кўрсатиши учун корхонадан (ташкilot, муассасадан) ўлчаш воситаларининг ҳар бир тури номма-ном кўрсатилган расмий хат (юридик шахслар учун талабнома ўрнига);

- Ҳисоблагич (ўлчаш воситаси)нинг маркаси, завод рақами, ҳисоблагични ечиши пайтига кўрсатишлари ва бошқ. кўрсатилган, электр, сув, иссиқлик ва газ таъминоти ташкilotлари томонидан берилган ҳисоблагични ечиши ҳақида далолатнома;

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни 9:00 дан 18:00 гача.

Ўзбекистон Республикасида календарда расмий дам олиши кунлари сифатида белгиланган расмий дам олиши кунлари, шу жумладан Қурбон ҳайит ва Рўза ҳайит кунлари – қабул кунлари эмас.

3.2. Кутиш шароитлари

Жойидаги навбат тартибида. Ўртача вақт битта таширф буюрувчига 10-15 мин.

4. Хизмат кўрсатиш тартиботи

4.1. Зарур хужжатлар

- Тақдим этилган паспорт асосида (жисмоний шахслар учун) тўлдирилган, ихтиёрий шаклдаги талабнома;
- Хизмат кўрсатиш учун корхонадан (ташкilot, муассасадан) ўлчаи воситаларининг ҳар бир тури номма-ном кўрсатилган расмий хат (юримдик шахслар учун талабнома ўрнига);
- Электр, сув, иссиқлик ва газ таъминоти ўлчаи воситалари учун - Ҳисоблагич (ўлчаи воситаси)нинг маркаси, завод рақами, ҳисоблагични ечиши пайтига кўрсатишлари ва бошқа кўрсатилган, электр, сув, иссиқлик ва газ таъминоти ташиқлотлари томонидан берилган ҳисоблагични ечиши ҳақида далолатнома;
- Ариза берувчининг ИНН тасдиқловчи хужжат (жисмоний шахслар учун).

4.2. Хизматга ҳақ тўланиши

Ўлчаи воситаларининг давлат қиёслови – пуллик хизмат.
Тўлов 28.10.2010й. № 239 ЎзР ВМҚ асосан амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

1. Хужжатларни қабул қилиши:

1.1. Қўлида ўлчаи воситаси ва электр, сув ва газ таъминоти хизматларининг вакиллари томонидан, тури (маркаси), завод рақами, ЎВ ечиши пайтига кўрсатишлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилган, ўлчаи воситасини (ЎВ) ечиши ҳақидаги далолатнома бўлган жисмоний шахс “Метрология хизматлари кўрсатиши маркази”га ёки ЎВ қиёслаи бўйича хизмат кўрсатадиган бошқа хизматга талабнома (кейинчалик – “талабнома”) расмийлаштириши ва ЎВ қиёслаи тартиботларидан ўтказишига топшириши учун мурожаат қилади ;

1.2. Юримдик шахслар ЎВ тўлиқ рўйхати кўрсатилган расмий хат билан (талабнома ўрнига, кейинчалик – “хат”) мурожаат қилади, 1.1 бандда кўрсатилган ўлчаи воситалари учун эса ЎВ ечиши ҳақида далолатнома ҳам тақдим этади;

2. Ташиқ кўрик ва хужжатлар бутлилизини текшириши:

2.1. Қабул қилиши бўлимининг мутахассиси томонидан ташиқ нуқсонларни топиши учун ЎВ визуал кўриқдан ўтказилади ва улар топилган ҳолда хабарнома тўлдирилиб, жароаён тўхтатилади, бунинг устидан қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда шикоят аризаси берилиши мумкин.

2.2. Кейин тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги ва бутлилиги текширилади ва тўлдириши имкони бўлмаган ҳолда жароаён тўхтатилади, бунинг устидан қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда шикоят аризаси берилиши мумкин.

2.3. Агар ўлчаи воситаси регламентланмаган бўлса (“сохта”, тасдиқланмаган турдаги ва ҳ.к.) ҳам хабарнома берилган ҳолда жароаён тўхтатилади, бунинг устидан қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда шикоят аризаси берилиши мумкин.

2.4. Қабул қилиши бўлими талабномаларга асосан ўлчаи воситаларини қабул қилади, хизмат кўрсатиши бўлимларини, талабномани маълумотлар базасида рўйхатга олади (нусхасини рўйхатга олиши давтарига), хизмат кўрсатишига шартнома тузади. Агар ўлчаи воситаси қиёслаи жароаён жойида ўтказилишини талаб қиладиган сатционар (кўчмайдиган) бўлса, мутахассис бориши учун сафар хужжатлари расмийлаштирилади ва бу сумма ҳам ариза берувчи томонидан тўланади. Маълум ЎВ турларини транспортда ташиши имкони бўлмаган ҳолларда, шунингдек сафар харажатларини тўлашни кафолатлаган ҳолда, қиёслаини жойида ўтказиши ҳақидаги илтимосни “хатда” кўрсатиб ўтган буюртмачи ташаббусига кўра ҳам сафар хужжатлари расмийлаштирилади. Сафар харажатлари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан лимитланади;

3. Ариза берувчи – жисмоний шахс, пул маблағлари тўловларини қабул қилиши муассасаларида шартномада кўрсатилган суммани тўлайди ва қабул қилиши бўлимига тўлов ҳақидаги хужжатни тақдим этади. Юримдик шахс маблағларни (100 % олдиндан тўлов) шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказиши;

4. Қабул қилиши бўлими қабул қилинган ва рўйхатга олинган ўлчаи воситаларини тегишли бўлимларга қиёслаи тартиботини ўтказиши учун юборади;

5. Муҳосибият келиб тушган маблағлар бўйича маълумотлар базасини тўланган сумма билан тўлдиради;

6. Хизмат олиши:

6.1. Бажарувчи бўлим, олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, зарур бўлганда тегишли бўлимларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда, ўлчаш воситаларини қиёслаш тартиботини бошлайди. Қиёслаш натижалари бўйича Қиёслаш баённомаси тузилади.

6.2. Қиёслаш натижаси ижобий бўлган ҳолда, тегишли сертификат расмийлаштирилади ҳамда баённома ва ўлчаш воситаси билан тўпланда Ариза берувчига топириши учун қабул қилиш бўлимига топирилади. Агар қиёслаш натижалари салбий бўлса ЎВ яроқсизлиги ҳақида сертификат беришни рад этиш учун сабаб бўлган, аниқ қиёслаш натижалари кўрсатилган хабарнома тузилади. Хужжатлар тўплами ўлчаш воситаси билан бирга Ариза берувчига топириши учун қабул қилиш бўлимига топирилади.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишнинг идора ичидаги тартиботлари

1. ЎВ рўйхатга олиниб, молиявий хужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг Қабул қилиш бўлими қиёслаш тартиботини ўтказиши учун ўлчаш воситаларини тегишли бўлимларга юборади;

2. Муҳосибият келиб тушган маблағлар бўйича маълумотлар базасини тўланган суммалар билан тўлдиради;

3. Хизмат олинishi:

3.1. Бажарувчи бўлим, маблағлар келиб тушганини аниқлаб, зарур бўлганда тегишли бўлимларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда, ўлчаш воситаларини қиёслаш тартиботини бошлайди.

3.2. Қиёслаш натижаларига кўра Қиёслаш баённомаси тузилади ва ЎВ билан бирга қабул қилиш бўлимига юборилади;

3.3. Қиёслаш натижаси ижобий бўлган ҳолда, тегишли сертификат расмийлаштирилади ва корхонага раҳбарига имзолаш учун юборилади;

4. Раҳбар сертификатни имзолайди ва уни бажарувчи бўлимга юборади;

5. Бажарувчи бўлим

5.1. ЎВни (сертификат билан бирга) Ариза берувчига топириши учун қабул қилиш бўлимига топиради;

5.2. Агар қиёслаш натижалари салбий бўлса (ҳисоблагич маълум сабабларга кўра қиёслашдан ўтказилмаса), кейинчалик улар ҳам ЎВ билан бирга Ариза берувчига топириши учун қабул қилиш бўлимига келиб тушадиган, сертификат беришни рад этиш учун сабаб бўлган, аниқ қиёслаш натижалари кўрсатилган қиёслаш баённомаси берилади;

6. Ариза берувчи ЎВ қиёслаш натижаларини олиши учун қабул қилиш бўлимига мурожаат қилади.

4.5. Рад этиш учун асослар

“Ўзстандарт” агентлиги давлат метрология хизмати органи қўйидаги ҳолларда қиёслаш ўтказишини рад этишига ҳуқуқли:

- ЎВ қиёслашга уни ечиши ҳақидаги далолатномасиз тақдим этилганда ёки далолатнома расмийлаштирилишининг ўрнатилган талабларга номувофиқлигида (иссиқлик, газ, сув ва электр таъминотини ҳисобга олиш асбоблари учун);

- қиёслашга Ўзбекистон Республикаси Ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилмаган ЎВ тақдим этилганда;

- ЎВ қиёслашга қиёслаш ўтказишига халақит берадиган ифлосланган ҳолатда топирилганда;

- ЎВда циферблатдаги кўрсаткичларни ўқиб олишига таъсир қиладиган деформация, дарз кетган, синган жойлар мавжудлигида;

- ЎВда ишлаб чиқарувчи завод ахбороти мавжуд бўлмаганда (турўлчамининг белгиланиши, ишлаб чиқарувчи корхонанинг товар белгиси, завод рақами).

- тасдиқланмаган турдаги ёки қиёслаш бўйича хизмат кўрсатадиган давлат метрологик хизмат базасида мавжуд бўлмаган ЎВ қиёслашга тақдим этилганда;

- ЎВ қиёслашга учинчи шахслар томонидан топирилганда;

- ҳақ тўланмаганда. Тўлов амалга оширилмаган шартномалар бўйича ишлар бажарилмайди. Шартнома амал қилиши муддати тугаганда – шартнома бекор қилинади.

5. Сифатнинг таъминланиши

5.1. Сифат параметрлари


Кўрсатилган хизмат сифати барча хизмат кўрсатилган ўлчаи воситаларига нисбатан шикоят аризалари, суд-ижро органларига асосланган мурожаатлар бўйича аниқланади.

5.2. Сифатсиз хизмат устидан шикоят аризаси бериш

Хизмат кўрсатишининг барча жараёнлари устидан шикоят аризаси бериш мумкин:

- ташилотнинг расмий телефонлари ва факслари бўйича;*
- ташилот раҳбарининг номига ёзма шаклда;*
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда суд-ижро органларига мурожаат қилган ҳолда. .*

Давлат хизматини тақдим этиш схемаси



Давлат хизматини тақдим этиш схемаси

Талабнома, Хат, ИНН ва ЎВ

Хужжатлар ва ўлчаш воситасини топшириш (Қабул қилиш бўлими)

ЎВ ташқи кўриқдан ўтказиш (Қабул қилиш бўлими)

Рад жавоби, хабарнома

Шартнома, Рўйхатга олиш Тўлов топшириғи Тўлов хужжати

15 иш куни

Хизмат олиш (Бажарувчи бўлим)


Рад жавоби

Шикоят

Рад жавобига шикоят ариза бериш Худудий орган ёки суд

Сертификат ёки баённома. ЎВ қайтариш

Давлат хизматини кўрсатишнинг идора ичидаги тартиботлари



Давлат хизматини кўрсатишнинг идора ичидаги тартиботлари

Талабнома, Хат ва ЎВ

Ҳужжатларни қабул қилиш (Қабул қилиш бўлими)

ЎВ ва ҳужжатлар бутлилигини ташқи кўриқдан ўтказиш (Қабул қилиш бўлими)

Нуқсон ва/ёки бутланмаганлик

Рад жавоби, хабарнома

Шартнома, Рўйхатга олиш Тўлов топшириғи Тўлов ҳужжати

Ҳужжатларни текшириш (Муҳосибият тўловни текшириш) 1 иш куни Рад жавоби

Хизматни амалга ошириш (ЎВ турига мувофиқ тегишли бўлим) 13 иш куни Рад жавоби, хабарнома

Қайтариш (1 кундан кўп эмас)

Сертификатни имзолаш (1-ўриндаги мансабдор шахс)

Сертификат ёки баённома (далолатнома) бериш (Қабул қилиш/топшириш бўлими)

Сертификат ёки баённома (далолатнома) ва ЎВ қайтариш